

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАТЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АРХЕОЛОГИЯ ВА БУХОРО ТАРИХИ КАФЕДРАСИ**

**БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ**  
(энг қадимги замонлардан ҳозиргача)



*мавзусидаги халқаро миқёсидаги илмий-амалий конференция*

**МАТЕРИАЛАРИ**

*2023 йил – 10 июнь*

**Бухоро - 2023**

~ 2 ~



Илмий-амалий анжуман Бухоро тарихи, манбашунослиги, тарихшунослиги, археологияси, этнографияси, нумизматикаси, шаҳарсозлиги, маданият ва санъати соҳаларида амалга оширилаётган энг янги илмий натижаларни илмий жамоатчиликка етказиш, фан ва таълимнинг узвий боғлиқлигини кучайтириш мақсадида Бухоро давлат университетида **2023 йил 10 июнь** куни **“БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ” (ЭНГ ҚАДИМГИ ЗАМОНЛАРДАН ҲОЗИРГИ ДАВРГАЧА)** мавзусидаги халқаро микёсида илмий-амалий конференция белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида ўтказилди.

Ушбу тўшам кенг илмий жамоатчилик, Бухоро тарихи билан қизиқувчилар, тарихчилар, магистрантлар ва талаба ёшларга мўлжалланган

**Масъул муҳаррир:**

**БухДУ профессори, тарих фанлари доктори**

**Ҳ.Ҳ.Тўраев**

**Таҳрир хайъати ва аъзолари:**

<b>Бухоро давлат университети ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор</b>	<b>О.Х.Ҳамидов</b>
<b>Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, физ-мат ф.д (DSc), проф</b>	<b>Т.Ҳ.Расулов</b>
<b>Археология ва Бухоро тарихи кафедраси мудири</b>	<b>Ф.У.Темиров</b>
<b>Бухоро давлат университети профессори, тарих фанлари доктори</b>	<b>И.С.Иноятов</b>
<b>Бухоро давлат университети профессори, тарих фанлари доктори</b>	<b>Ш.А.Ҳайитов</b>
<b>тарих фанлари номзоди, доцент</b>	<b>М.Б.Қурбонова</b>
<b>тарих фанлари номзоди, доцент</b>	<b>М.И.Ниязова</b>
<b>тарих фанлари номзоди, доцент</b>	<b>Ф.Ҳ.Бобожонова</b>
<b>тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)</b>	<b>И.Н.Наимов</b>
<b>тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)</b>	<b>А.Ҳ.Болтаев</b>
<b>Археология ва Бухоро тарихи кафедраси катта ўқитувчиси</b>	<b>О.И.Ражабов</b>
<b>Археология ва Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси</b>	<b>Ш.Ў.Носиров</b>

**Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар:**

**Темиров Ф.У.** – Археология ва Бухоро тарихи кафедраси мудири  
**Умаров Б.Б.** – Археология ва Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси  
**Носиров Ш.Ў**– Археология ва Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси

Мазкур тўшам Бухоро давлат университети Илмий Кенгашининг 2023 йил 15 майдаги  
7 – сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

*Илмий-амалий анжуман материалларида ёритилган тарихий жараёнлар,  
маълумотлар, чиқарилган хулосалар, манба ва адабиётлар учун муаллифларнинг  
ўзлари масъул ва жавобгар*



## БУХОРО АДАБИЙ МУҲИТИ ТАРИХИ НАМОЁНДАЛАРИ: ТАДҚИҚ ВА ТАҲЛИЛ

Ахматов Амонкелди Ҳасанович –  
БухДУ, т.ф.ф.д (PhD)

Узоқ тарихий даврга эга Бухоро адабий муҳити XIX аср охири XX аср бошларида бир қатор оқим ва йўналишларга ажралди. Жумладан, сарой адабий муҳити билан биргаликда маърифатпарварлик оқими ҳам кенг доирани қамраб олди. Бухоро адабий муҳитининг яна бир ўзига хос, аммо, юқорида санаб ўтилган икки гуруҳга ҳам мансуб бўлмаган шоирлари Қори Абдулкарим Офарин, Азизхожа Азиз, Абдулмажид Зўфунун, Мулла Назрулло Латиф Бухорий, Қосим Қоризода Ахтар Бухорий, Ҳожи Иброҳим Осим Бухорий сингари ижодкорларнинг номи турли асарларда, тазкираларда келтирилган бўлиб адабий жараёнлардаги фаолияти уқадар юқори бўлмаган, баъзилари ҳатто алоҳида девон қолдирмаган ижодкорлар эди. Бироқ ўзларига таҳаллус танлаб шоирликни даъво қилар эдилар<sup>312</sup>. Улар асосан қуйи мадраса мударрислари ва талабалари бўлиб, на сарой базмларида, на Садр Зиё сингариларнинг хонадонларида доимий иштирок этмас, гоҳида таклиф қилинса намоён бўлувчилар эдилар.

Ушбу мақолада XIX аср охири XX аср бошларида Бухоро адабий муҳити тарихида ўз ўрнига эга бўлган шундай ижодкорлардан айримлари ҳақида мухтасар маълумотлар келтирилган.

Мулла Назрулло Латиф Бухорий хат саводи яхши хаттот бўлган. Яхши шеър ўқиган ва ёзган. Мулла Назрулло ёшлигида саҳҳофлик (муқовасозлик) қилган. Лутфийнинг хати гўзал эди дея хотирлайди Садриддин Айний<sup>313</sup>. Лутфийнинг шеърлари оддий ва мазмуни бошқа шоирлар айтган шеърларнинг мазмунини такрор қилишдан иборат эди. Лекин у мажлислар аро сўзда уста, ширин гап ва ҳозиржавоб бир шоир бўлган<sup>314</sup>. Туёқ санъатидан фойдаланиб шеърлар ижод қилишни яхши эгаллаган. 1917 йил амир золимлигининг оқибатида Айний билан бирга 75 таёқ урилиб уч кундан кейин вафотган. Вафоти ҳақида таърих ёзган Айний унинг ўроқ (*Вақф ерларининг хирож ва солиқларига масъул киши*) унвонида эканлигини эслатади<sup>315</sup>. Россия империяси парчаланиши Бухоро амирлигининг сиёсий жараёнларига ҳам таъсирини кўрсатди. Сиёсий беқарорликлар адабий муҳит вакилларининг кейинги фаолиятида салбий оқибатларни келтириб чиқарди.

Қози Саййиджон Махдум Назмий Бухорийнинг (1918 йилда вафот этган) ҳаёти ва ижоди ҳақида тазкираларда маълумотлар учрайди. Назмий Бухорий яхши ижодкор ва қувноқ шоир сифатида эсланади. Садри Зиё томонидан ташкил этилган адабий кечаларда фаол қатнашган. Айний тазкирасида Садр Зиёд тазкирасидан олинган ғазали, Афзал Пирмастийдан олинган рубоийлари келтирилган. Дастлаб “Сидкий”, сўнгра “Назмий” таҳаллуси билан шеърлар ёзган. “Ёш бухороликлар” билан яқин

<sup>312</sup> Ахматов А. Бухоро адабий муҳити тарихи (XX аср): Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс.. автореф... – Бухоро, 2022.

<sup>313</sup> Айний С. Эсдаликлар. III қисм // Асарлар. 8 томлик. 5 жилд. -Тошкент: ЎзССР давлат Бадий адабиёт нашриёти, 1963. –Б.269.

<sup>314</sup> Айний С. Ашъори Мунтахаби. – Сталинобод: Тожикистон давлат нашриёти, 1958. –Б. 92.

<sup>315</sup> Айний С. Намунаи адабиёти тожик. – Душанбе: Адиб, 2010. –Б. 314.





алокадалиги туфайли 1917 йил апрел ойида Вобкент тумани қозилигидан озод қилинди ва Бухорода яшай бошлади. Колесов воқеасидан (1918 йил март) кейинги жараёнларда юзага келган таъқиблар натижасида 1918 йил июн ойида Қози Абдуссамадхўжа билан Бухородан Болжувонга сургун қилинади. Олти ой зиндонда бўлганидан сўнг, 1918 йил ноябрь ойининг бошида шафқатсизларча қатл қилинди<sup>316</sup>. Бухоро адабий муҳитининг яна бир забардаст вакилининг қисмати фожиали яқун топди. Назмий Бухорийнинг тазкира ва баёзлардаги шеърларида сиёсий ва ижтимоий мавзулар етакчилик қилади. Ўз ғазалларида замон руҳини тасвирлашга ҳаракат қилгани кўринади.

Абдулмажид Зўфунуннинг (1903 йилда вафот этган) саъй-ҳаракатлари Бухоро амирлигининг ич-ичидан чириб, чокидан сўкилиб бораётган мудҳиш шароити учун ўзига хос исён эди. У амир юритаётган сиёсатдан, иктисодий-сиёсий йўлдан қаттиқ норози эди. Адабий давраларда амирликнинг жоҳил амалдорлари кирдикорини қаттиқ танқид остига олиш, фош қилиш хоҳ бадиий ижодда, хоҳ ҳаётий суҳбатларда бўлсин Зўфунуннинг асосий мавзуси эди. Аҳмад донишнинг шогирди бўлиб, шеърларида мустабид ҳукмронликни руҳонийларни қаттиқ ва ошқора танқид қилади.

Яҳёхожа замон зулмкорларини танқид қилишдан ҳайикмайдиган, уламоларни ҳар ерда ҳажв остига оладиган телбасифат киши. “Яҳёхожа баланд бўйли, қотма ок юзли ва ўртача соқолли одам эди, мен Латифжон маҳдум уйида бўлган вақтларда соқолининг оқи қорасидан кўпроқ бўлиб, бу унинг ёши олтмишларга бориб қолганидан дарак бериб турар эди”<sup>377</sup>. Яҳёхожа Бухоронинг хўжалар тоифасидан бўлиб, ота ва боболари катта илмий ва хўжалик мансабларига тайинланиб келганлар. Бухоро амирларининг анъанавий одатларига кўра, бу хил катта мансабдорларнинг авлодларини ҳурмат қилиш керак эди. Шунинг учун, унинг танқидларига кўз юмиб, уни жавобгар қилмас эдилар. У бўлса, ўз авлодига бўлган бу ҳурматдан фойдаланиб, уламо, амир ва унинг амалдорларини қаттиқ танқид ва масҳара қилар эди. Қори Самеъ, қози Бадриддин, катта савдогарлардан Жўрабек Арабов, Жонмирза қушбегиларни танқид остига.

Жонмирза қушбеги билан бир суҳбатда унга қуйидагича шеър айтади.

Қўшбеги кўрса агар кўзгуда ўз соққолини,  
Кўнгли ўсиб дегай: «Ана соққолу мана соқол!»  
Кўрса гар Қори Самеънинг жингалак соққолини,  
Кўнгли ўксиб дегай: «Ана соққолу мана соқол!»

Яҳёхожа Аҳмад маҳдум Донишнинг яқин дўсти бўлиб, унинг доимий ҳамсуҳбати эди. Аҳмад Дониш ўзининг «Наводир ул-вақое» («Нодир воқеалар») номли асарида «Ҳожи бобо» номли энг катта ҳикоясини Яҳёхожа тилидан баён этади.

Тазкираларда шеърлари етиб келган Қосим Қоризода Ахтар Бухорий (1901 йил таваллуд топган) жадидлар руҳида тарбияланган. 1917 йил апрел ойида амир ислохотидан кейин кўпгина ёш бухороликлар сингари ҳибсга олинган ва Айний, Мирзоназуллалар билан биргаликда 75 дарра урилган. Мирзоназулла вафотига таърих ёзган (1917 йил). Кейинчалик Ўзбекистон ССРда божхоҳнада ишлаган.

Қози Абдуллахўжа Таҳсин Бухорий Бухоро шаҳридаги Такбандбофон гузарига Бадаалбек мадрасаси шимол томонидаги ҳовлида яшаган. Катта кутубхонага эга

<sup>316</sup> Айний С. Намунаи адабиёти тожик. – Душанбе: Адиб, 2010. –Б. 335. <sup>377</sup> Айний С. Эсдаликлар. III қисм // Асарлар. 8 томлик. 6 том. –Б.12.



бўлган ушбу ховли акаси Қозижон Махдумники бўлаган. Айний Шарифжон Махдумни уйда кўрганда ўттиз ёшлардаги узун бўйли, бугдой ранг, соколи сийрак одам эди, суҳбати анча енгил бўлиб, Латифжон махдумнинг доимий суҳбатдошларидан эди. Шоирликдан кўра адабиётшуносликда кучлироқ эди<sup>317</sup>.

Ҳожи Иброҳим Осим Бухорий (1905 йилда вафот этган), Бухоро адабий муҳити вакили. Ҳожи Иброҳим Осим бадавлат оиладан келиб чиққан ва ота-онасидан эрта ёшида етим қолган. Садриддин Айнийнинг суҳбатдошларидан бир бўлиб, мадрасада таҳсили давридан шеърят билан шуғулланган. У шеърятда Мулло Холий исмли Ўратепалик шоирдан таълим олган. Бу ҳақида Садриддин Айний таъкидлаганидек: “Осим” тахаллуси билан шеър ёзар эди. Адабиётда Мулла Холий номли бир ўратепалик унинг устози эди. Аммо сезишимча, фазилатда улар бир-биридан кам фарқ ҳилар эдилар<sup>379</sup>. Гарчи Айний “Эсдалиқлар”ида Осим шеърятда заиф бўлган дейилсада, аммо бошқа тазкиранавислар унинг шеърларини жуда кўп макташган. Масалан, Афзал Махдуми Пирмастий “унинг фикрлари баҳори жуда янги ва анзорининг гуллари жуда нозик” деб ёзади. Ҳожи Нематуллоҳи Осим тавсифида: “Унинг фазилатлари шўр, шеърятти ширин ва шакар” деб таърифланади. Осимнинг шеърларида аниқ мавзу ва ғояни учратиш кийин. Унга энг кўп озор берадиган нарса - бу севгининг маъноси. У шеърларида жуда кўп шахвоний сўзлар ва ибораларни ишлатган.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида номлари зикр қилинган ижодкорлар Бухоро адабий муҳити тарихидаги ўрта даражали ижодкорлар бўлиб, асосан мударрислик билан шуғулланганлар. Айрим ижодкорлар амир Олимхон ҳукмронлиги даврида адабий жараёнларда деярли кўринмай қоладилар. Бироқ баъзилари сиёсий жараёнларга ҳам киришиб, амир зулмига дучор бўладилар. Адабий кечаларда иштироклари туфайли тазкираларда номлари сақланиб қолган ушбу адиблар ҳам адабий муҳитнинг ажралмас субъекти сифатида Ўзбекистон тарихида қоладилар.

## **BUXORO AMIRLIGINI XIVA HAMDA QO‘QON XONLIKLARI BILAN BOG‘LOVCHI SAVDO YO‘LLARI**

*Safarov Tolib Todjievich - Buxoro tabiiy resurslarni boshqarish instituti dotsenti*


Buxoro amirligining qo‘shni Xiva va Qo‘qon xonliklari bilan savdo-sotiq aloqalari mintaqada qaror topgan ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy vaziyatdan kelib chiqqan holda rivojlanib borgan. XIX asrda Buxoro amirligining qo‘shni xonliklar bilan o‘zaro savdo aloqalari yo‘lga qo‘yilgan bo‘lib, ularni bir biri bilan bog‘lovchi savdo yo‘llari ko‘p asrlik savdo munosabatlari jarayonida rivojlangan bo‘lib, ularning eng muhimlari Buyuk ipak yo‘li davridayoq shakllanib, qadimdan faoliyat ko‘rsatib kelgan.

Savdo aloqalarining yuksalib borishida qadimiy karvon yo‘llarining o‘ziga xos ta’siri bo‘lib, bu yo‘llar XIX asrning o‘rtalarigacha savdo-sotiq rivojida muhim rol o‘ynab kelgan<sup>318</sup>.

<sup>317</sup> Айний С. Намунаи адабиёти тожик. – Душанбе.: Адиб, 2010 й. –Б. 169. <sup>379</sup> Айний С. Эсдалиқлар. III қисм // Асарлар. 8 томлик. 6 том. –Б.152.

<sup>318</sup> Agzamova G. O karavannykh putyax iz Xivy v Orenburg // ONU. – Tashkent. 1991. – №12. – S.43. <sup>381</sup> Неболсин Б.И. Очерки торговли России с странами Средней Азии Хивой, Бухарой и Коканом. – СПб.: Б.и., 1856. – С.173. <sup>382</sup> Неболсин Б.И. Очерки торговли России с странами Средней Азии, Хивой, Бухарой и Коканом. – С.169. <sup>383</sup> O‘sha joyda. – В.182-183.





<b>САИДОВ Бахтиёр Латифович</b>	ИНЪИКОСИ БА ТАХТИ БУХОРО СОЎИБ ШУДАНИ МУЪАММАДДИОНИЁЛБИЙ ДАР «ТУЪФАТ-УЛ-ХОНЇ»-И МУЪАММАДВАФОИ КАРМИНАГЇ	187
<b>AHMADOV Ahmadjon Asror o'g'li</b>	XIX ASRNING OXIRI – XX ASR BOSHLARIDA BUXOROLIKLARNING AFG'ONISTONGA MIGRATSIYASI	189
<b>ALLAMURATOV Shuxrat Ashurovich</b>	ROSSIYA IMPERIYASINING AMUDARYODAGI STRATEGIK MAQSADLARI (ROSSIYA IMPERIYASI BOSQINIGA QADAR)	192
<b>АХМАТОВ Амонкелди Ҳасанович</b>	БУХОРО АДАБИЙ МУҲИТИ ТАРИХИ НАМОЁНДАЛАРИ: ТАДКИҚ ВА ТАҲЛИЛ	196
<b>SAFAROV Tolib Todjievich</b>	BUXORO AMIRLIGINI XIVA HAMDA QO'QON XONLIKLARI BILAN BOG'LOVCHI SAVDO YO'LLARI	198
<b>JO'RAYEV Isomiddin Ismoilovich</b>	“TARIXIY SALIMIY” - BUXORO TARIXI OID MUHIM MANBA	202
<b>FAYZULLAYEV Farrux</b>	МОВАРОУННАХРДА ШАЙБОНИЙЛАРНИНГ ҲОКИМИЯТ ТЕПАСИГА КЕЛИШИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР	204
<b>SAFAROV Tolib Todjievich</b>	BUXORO AMIRLIGINI YAQIN QO'SHNI XORIJ MAMLAKATLAR BILAN BOG'LOVCHI SAVDO YO'LLAR	210
<b>HIMMATOV Ro'zi</b>	MIRZO SIROJIDDIN HAKIMNING TUNFAI AHLI BUXORO ASARI XUSUSIDA	213
<b>MUBINOV Muhammadali Akobirovich</b>	BUXORO AMIRLIGINING SIYOSIY, IJTIMIY-IQTISODIY HAYOTI INGLIZZABON MUALLIFLAR ASARLARIDA	215
<b>QURBONOV Murodjon</b>	“TARIXI SALIMIY” ASARIDA AMIR MUZAFFAR FARZANLARINING TARJIMAI HOLI	220
<b>NOSIROV Sherzod</b>	PROFESSOR PO'LAT SOLIYEV IJODIDA MANG'ITLAR DAVRI TARIXI MASALALARI	225
<b>Ж.Ю.ЭРГАШЕВ</b>	КАРВОНСАРОЙЛАРНИНГ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ	227
<b>ТОЖИЕВ Достонжон</b>	УБАЙДУЛЛАХОН I ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА БУХОРО ХОНЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ	231
<b>XIDIROV Xoshim</b>	MUHAMMAD SHAYBONIYXON – SHAYBONIYLAR DAVLATINING ASOSCHISI	234
<b>АБДУКАРИМОВ Жамолiddин</b>	“МУНТАХАБ АТ-ТАВОРИХ” АСАРИ МУАЛЛИФИ МУЪАММАД ҲАКИМХОН АМИР ШОҲМУРОД ҲАҚИДА	238
<b>Музробжон АБДУЛЛАЕВ Расулбек АБДУРАСУЛОВ</b>	АШТАРХОНИЙЛАР ДАВРИДА БУХОРО ХОНЛИГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СОЛИҚ ТИЗИМИ	241
<b>Феруза АМОНОВА</b>	АБДУРАУФ ФИТРАТНИНГ БУХОРО АМИРЛИГИДА ИҚТИСОДНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚАРАШЛАРИ	245
<b>Фарзия АНСОРОВА</b>	ХАРИТАИ АҲМАДИ ДОНИШ ДАР САНКТ -ПЕРЕРБУРГ	248
<b>Saodat АТАВЕКОВА</b>	МИР АРАБ МАДРАСАСИ: ТАЪЛИМ ВА НОЁБ МЕЪМОРЧИЛИК АНЪАНАЛАРИНИНГ ИНТЕГРАЦИЯСИ АСОСИ	257
<b>Жуманиёз САНГИРОВ</b>	АШТАРХОНИЙЛАР СУЛОЛАСИ ДАВРИДА ҲУДУДИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ	261
<b>Каримов Б.Х.</b>	АҲМАД ДОНИШ БУЮК МУТАФАККИР ОЛИМ ВА МАЪРИФАТПАРВАР	266
<b>Курбанов Б.Г</b>	К ИСТОРИИ УЧЕБНЫХ ПРИНАДЛЕЖНОСТЕЙ СРЕДНЕВЕКОВОЙ БУХАРЫ	270
<b>Begimqulova Laylo</b>	BUXORO AMIRLIGIDA MAHALLIY BOSHQARUVNING O'ZIGA XOSLIGI	274
<b>Шавкат Бобожонов</b>	БУХОРО АМИРЛАРИНИНГ НАҚШБАНДИЙ ПИРЛАРНИ ЗИЁРАТ ҚИЛИШ АНЪАНАСИ	276